### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Экологик экспертиза тушунчаси**

Экологик экспертиза деганда режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

**2-модда. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Экологик экспертиза мақсадлари**

Экологик экспертиза қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш.

**4-модда. Экологик экспертиза турлари**

Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси, шунингдек, экологик аудит тарзида амалга оширилади.

**5-модда. Экологик экспертизанинг асосий принциплари**

Экологик экспертизанинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

холислик;

асослилик;

экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;

ҳар қандай режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфлилик презумпцияси;

хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплекслилиги.

**6-модда. Экологик экспертизанинг ошкоралиги**

Экологик экспертиза буюртмачилари уни ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беришлари мумкин. Бундай ҳолда экологик экспертиза тугалланган кундан бошлаб бир ой ичида унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади.

Давлат экологик экспертизаси ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида берилиши шарт бўлган объектларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

**7-модда. Экологик экспертиза экспертининг мустақиллиги**

Экологик экспертиза буюртмачиси ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг экологик экспертиза экспертининг фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

**8-модда. Экологик экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқлари**

Экологик экспертиза буюртмачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик экспертиза ўтказиш масалалари бўйича маслаҳатлар ва зарур услубий ёрдам олиш;

экологик экспертиза экспертларига экологик экспертиза объектлари хусусида таклифлар, мулоҳазалар, тушунтиришлар ва экологик аудит натижаларини тақдим этиш;

қўшимча экологик экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш;

экологик экспертиза ўтказилишининг бориши ҳақида ахборот олиш.

Экологик экспертиза буюртмачиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**9-модда. Экологик экспертиза буюртмачисининг мажбуриятлари**

Экологик экспертиза буюртмачиси:

экологик экспертиза учун материалларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тақдим этиши;

давлат экологик экспертизаси ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўлаши;

давлат экологик экспертизаси хулосасида кўрсатилган талабларни бажариши шарт.

Экологик экспертиза буюртмачиси зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**10-модда. Экологик экспертизани молиялаш**

Давлат экологик экспертизасини ва экологик аудитни молиялаш буюртмачининг маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамоат экологик экспертизасини молиялаш нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёки фуқароларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**11-модда. Давлат экологик экспертизаси объектлари**

Давлат экологик экспертизаси объектлари қуйидагилардан иборат:

давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари;

лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар;

атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар;

кейинчалик уларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

махсус ҳуқуқий режимли объектлар.

**12-модда. Давлат экологик экспертизаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи**

Давлат экологик экспертизаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

давлат экологик экспертизасини ташкил этади ва ўтказади;

давлат ҳамда жамоат экологик экспертизаси, шунингдек, экологик аудит бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

давлат экологик экспертизасини ўтказишга экспертлар ва мутахассисларни жалб этади;

давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасини олмаган объектларга нисбатан молиялаш, кредитлаш ва бошқа молия операцияларини тўхтатиб туриш (тугатиш) тўғрисидаги тақдимномаларни банк ва бошқа кредит ташкилотларига юборади;

давлат экологик экспертизаси хулосаларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

экологик экспертиза ўтказиш масалалари юзасидан бошқа давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**13-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказишнинг мажбурийлиги**

Ушбу Қонуннинг 11-моддасида кўрсатиб ўтилган объектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мажбурийдир.

Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади.

**14-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказишда қўйиладиган талаблар**

Давлат экологик экспертизасини ўтказишда:

тақдим этилган материалларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширилади;

режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик ва ижтимоий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги таҳлил қилинади;

биологик, кимёвий моддалар ва технологияларнинг атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолашнинг асослилиги текширилади;

режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш оқибатларининг экологик хавфлилиги даражасини баҳолашнинг тўғрилиги текширилади;

экологик хавфсизлик талабларини таъминлашга доир чора-тадбирларнинг етарлилиги ва асослилиги аниқланади;

экологик нормативлар лойиҳаларининг асослилиги текширилади.

**15-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этиладиган материаллар**

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун буюртмачи томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

лойиҳалаштирилаётган объектлар бўйича – атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳасини, экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнотни ўз ичига олган атроф муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари;

ишлаб турган объектлар бўйича – экологик нормативларнинг лойиҳалари, объектнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсир кўрсатиш ҳоллари аниқланган тақдирда атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисида тайёрланган баёнот. Буюртмачи қўшимча тарзда экологик аудит материалларини тақдим этишга ҳақли;

ушбу Қонун 11-моддасининг иккинчи, учинчи, бешинчи ва саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган объектлар бўйича - тайёрланган барча ҳужжатлар.

Атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаш бошлангунга қадар тақдим этилади.

Атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот давлат экологик экспертизаси объектининг техник-иқтисодий асослари тасдиқлангунга қадар тақдим этилади.

Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот объект қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиб олингунга қадар тақдим этилади.

**16-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертининг ҳуқуқлари**

Давлат экологик экспертизаси эксперти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни олиш;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган, қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган материалларни рад этиш;

давлат экологик экспертизаси объекти бўйича алоҳида фикр билдириш, бу фикр давлат экологик экспертизаси хулосасига илова қилинади.

Давлат экологик экспертизаси эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**17-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертининг мажбуриятлари**

Давлат экологик экспертизаси эксперти:

давлат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя этиши;

давлат экологик экспертизасини ўз вақтида, комплекс, холис, сифатли ўтказилишини ҳамда белгиланган тартибда хулоса берилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизасининг муайян объектига нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут сақланишини ҳамда давлат, хизмат ва тижорат сири бўлган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши шарт.

Давлат экологик экспертизаси экспертининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**18-модда. Давлат экологик экспертизаси экспертининг жавобгарлиги**

Ўз вазифасини буюртмачининг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига моддий зарар ёки маънавий зиён етказган тарзда бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шунингдек, экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганлик учун давлат экологик экспертизасининг эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**19-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддатлари**

Давлат экологик экспер-

(Давоми 4-бетда ).

*Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

# ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

тизасини ўтказиш муддати ўттиз кундан ошмаслиги лозим. Уни ўтказиш муддати давлат экологик экспертизаси объектининг мураккаблигига қараб Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

**20-модда. Давлат экологик экспертизасининг хулосаси**

Давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича хулоса тузилиб, у давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги якунларни ўз ичига олган бўлади.

**21-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасини ижро этишнинг мажбурийлиги**

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаш ва рўёбга чиқаришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек, уларнинг рўёбга чиқарилиши тақиқланади.

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси бўлган тақдирда, буюртмачи хулосадаги мавжуд таклифларга мувофиқ лойиҳа маромига етказилишини таъминлаши ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиши ёхуд режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятдан воз кечиши шарт.

**22-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати**

Давлат экологик экспертизаси объектининг экологик талабларга мувофиқлиги хусусида давлат экологик экспертизасининг берган хулосаси берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида юридик кучга эга бўлади.

**23-модда. Жамоат экологик экспертизаси**

Жамоат экологик экспертизаси экологик асосланиши тақозо этиладиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Жамоат экологик экспертизасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш тақиқланади.

Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин.

Жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсия хусусиятига эга бўлади.

**24-модда. Экологик аудит**

Экологик аудит – экологик аудиторлар (фирмалар) томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказиладиган, атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектларни мустақил экологик экспертиза қилишдир.

Экологик аудит хўжалик ва бошқа хил фаолият объекти мулкдорининг қарорига биноан ўтказилади.

**25-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Экологик экспертизани ташкил этиш ва ўтказишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**26-модда. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 май.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2000 йилнинг 1 июлидан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Қонунларини “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонунга мувофиқлаштириш ҳақидаги таклифларни Олий Мажлисга тақдим этсин;

ҳукумат қарорларини “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 май.

*Ёз фасли ҳам кириб келди. Пишиқчилик даври бошланди. Ёз фаслида тарқаладиган турли касалликларнинг олдини олишда ташқи муҳитнинг мусаффо бўлмоғи, ҳаво, сув, ер ва озиқ-овқат маҳсулотларини тоза сақлаш, ҳар бир ташкилотда, кўча ва жамоат жойларида тозаликка қатъий риоя қилиш ҳар бир кишининг эҳтиёжидир.*

# АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФО БЎЛСИН



Энг муҳими, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кишилар соғлигини яхшилаш ва умрини узайтириш, ишлаш учун шароит яратиш, ёз ойларида кенг тарқаладиган юқумли ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишга хизмат қилади. Ташкилотлардан чиққан хас-чўпларни, ахлатларни ва бошқа чиқиндиларни белгиланган жойга тўкиш, ўз вақтида шаҳар ташқарисидаги махсус ахлатхоналарга олиб чиқиб компост йўли билан зарарсизлантириш, ариқ ва ҳовузларни тозалаб туриш, сувларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик чораларини кўрмоқ лозим.



Маълумки, ахлат ва чиқиндиларда, супуринди ва ювиндиларда кўзга кўринмайдиган микроблар, шу жумладан, юқумли ошқозон-ичак касалликлари микроби ва гижжалар тухумлари жуда кўп бўлади. Ҳарорат кўтарилиши билан пашшалар учиб келиб, уйдаги озиқ-овқат маҳсулотларига, идиш-товоқларга ва бошқа буюмларга қўниб, уларни ифлослайди. Улар энг зарарли ва ифлос ҳашаротлардир. Ҳозирги кунда бир пашшани ўлдириш минг пашшани ўлдириш демакдир. Шунинг учун ҳар бир ишхонада ҳар куни супуриб-сидириш, полларни ювиш билан биргаликда профилактик дезинфекция ишларини ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, озиқ-овқатларни пашшалар ифлослашига йўл қўймаслик мақсадида ошхоналарнинг очиқ турадиган деразa табақаларига тешиги майда полиэтилен ёки сим тўрлар тутиш нон ва қандолат маҳсулотларининг устини докалар билан ўраб қўйиш лозим. Ташқи муҳитнинг мусаффо бўлиши учун кўча ва хиёбонларни, ишхона биноларининг атрофини кўкаламзорлаштириш санитария-гигиена нуқтаи назаридан фойдалидир.

Чунки дов-дарахт, майсаю гуллар атрофга нафақат чирой бахш этади, балки ёқимсиз ҳидли газлар ва чангларнинг 60%ини ўзига ютиб, кислород ва азон чиқариб беради. Натижада ҳаво ёқимли, мусаффо бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, дарахтлар ёзда ҳавонинг ҳароратини пасайтириб, намлилигини оширади, микроорганизмларнинг 72 фоизини ўзида ушлаб қолади.

Ҳозирги кунда бутун дунёдаги давлат ва шахсий автотранспортларнинг аксарияти бензин, солярка каби ёнилғиларда ишлайди. Бу эса ўз навбатида ташқи муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Бундай ҳолат ўта кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоқда. Ҳавони транспорт чиқиндилари билан мунтазам ифлосланишининг меъёрдан ортиб кетиши юрак-қон томир ва бошқа касалликларга сабаб бўлмоқда. Транспорт шовқини ҳам жиддий хасталикларни келтириб чиқаради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда ичимлик сувидан заҳарланиш ҳам кўп учрамоқда. Бундай ҳолат жаҳон жамоатчилигини ташвишлантириши турган гап.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар етти кишидан бири тоза ичимлик суви ичиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам, кўпгина мамлакатларда сувдан заҳарланиш ҳоллари учрамоқда. Бу кишиларни турли хил инфекцияларга чалиниши ёки турли кимёвий элементлар қолдиғи таъсирида касалланишига олиб келади.

Дизентерия, ичтерлама, гепатит каби оғир касалликларнинг юқишида аксарият ҳолларда сув сабабчи бўлишини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда 1998 йили “Атроф-муҳит гигиенаси бўйича миллий ҳаракат режаси” ишлаб чиқилди. Бу режани амалга оширишда нафақат вазирликлар, маҳкамалар, балки бутун жамоатчилик фаол қатнашиши лозим.

Ҳаммамиз атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз бугунги кун талабидир. Шу боисдан 17 июнь куни республикамизда экологик шанбалик ўтказилиши атроф-муҳитни яхшилашга қаратилган тадбирлардан бири бўлиб, унда ҳаммамиз фаол қатнашмоғимиз лозим.

**Д. ТЎРАНАЗАРОВ,**
*тиббий хизмат полковниги.*

# МУХЛИСЛАР УЧУН ҲАҚИҚИЙ ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

**Илгари хабар берганимиздек, пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида республика ички ишлар идоралари ижодий жамоалари ўртасида “Ўзбекистон қўшиқ байрами” V республика кўрик–танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**





Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тадбир иштирокчиларининг деярли барчаси янги овозлар эди. Буни танлов дастуридан ўрин олган посбонларнинг исм-шарифи ҳам яққол кўрсатиб турарди.

Шу куни эрталабдан Темирйўлчилар маданият саройи санъат ишқибозлари билан гавжумлаша бошлади. Анъанага кўра оркестр садолари остида танловнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ҳайъат раисининг муовини, Халқ артисти Ёқуб Аҳмедов ва Республика ИИВ ШТБИХ бошлиғининг биринчи муовини, милиция полковниги Ўткир Жўраевлар йиғилганларни қўшиқ байрами билан қизғин қутлаб, уларга омад тиладилар.



Шундан сўнг бахслар бошланиб кетди. Қорақалпоғистон республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, транспорт ва вилоятлар ИИБлари, шунингдек, республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги бошқа идораларнинг вакиллари навбат билан саҳнага чиқиб, ўз маҳоратларини намойиш эта бошлашди. Посбонларимиз ижросида янграган Ватан, она диёр, мустақиллик, Ўзбекистон давлат байроғи, соғлом авлод ва бошқа мавзулардаги қўшиқлар кўпчиликка манзур бўлди. Шуниси қувончлики, ҳар бир санъаткор қўшиқлар ижросига ўзига хос ёндошганлиги сезилиб турди. Масалан, Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ ўт ўчирувчиси, ички хизмат сержанти Алишер Ҳамроев Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтиладиган “Ўзгинангдан айланай” қўшиғини баралла овозда, кўтаринки руҳда куйлади. Сирдарё вилояти ИИБ ходими Асатилло Холиқов ижро этган “Давра қўшиғи” (Абдулла Орипов шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси), Наманган вилояти ИИБ ЁСБ ўт ўчирувчиси, ички хизмат сержанти Шавкатжон Турғунов томонидан танловга тақдим этилган “Юртбошингни асра” қўшиғи (Гулчеҳра Жўраева шеъри) мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Ниҳоят кутилган дамлар келди. Ҳайъат аъзоларининг узоқ тортишувидан сўнг ғолиблар аниқланди. Республика ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий-техника мактаби бадиий ҳаваскорлик тўгараги раҳбари Савриддин Нажмиев “Ўзбекистон” қўшиғи учун биринчи ўринни эгаллади (З. Неъматов шеъри, С. Нажмиев мусиқаси).

Иккинчи ўринни Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ходими, милиция сержанти Баҳодир Мансуров “Соғлом авлод” қўшиғи (А.Ибодов шеъри, Р.Зиёдов мусиқаси), Хоразм вилояти ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими инспектори, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Раҳмонов “Мустақиллик” қўшиғи (Б.Отажонов шеъри, Ғ. Жабборов мусиқаси), Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти дастасининг яккахон хонандаси Розахон Бобоева “Она Ватаним” қўшиғи (Ў. Жўраев шеъри, М.Шокиров мусиқаси)лар иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Учинчи ўрин эса Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ ўт ўчирувчиси, ички хизмат сержанти Алишер Ҳамроев (“Ўзгинангдан айланай” қўшиғи М. Юсуф шеъри, Л. Ҳамроев мусиқаси), Фарғона вилояти ИИБ ШТБИХ инспектори, милиция старшинаси Тоҳиржон Шокиров (“Ўзбекистон – менинг Ватаним” қўшиғи – Ҳ. Шокирова шеъри, Султонали Маннопов мусиқаси), Ички қўшинлар Бош бошқармаси ходими, прапорщик Ўткир Ҳамдамов (“Ўзбекистон – Ватаним маним” қўшиғи – Н. Аминжонов шеъри, Ў. Ҳамдамов мусиқаси)ларга насиб этди. Ғолибларга республика ИИВ Фахрий Ёрлиғи, дипломлар, шунингдек, энг кам иш ҳақининг ўттиз, йигирма беш ва йигирма баравари миқдорида пул мукофоти бериладиган бўлди.



– Мен иккинчи ўринни эгаллаганимдан мамнунман,– дейди Қашқадарё вилояти ИИБ “Посбон” дастасининг раҳбари Б. Мансуров. – Ўтган йили танловда иштирок этиб, яхши кўрсаткичга эришган эдим. Йил давомида ўз маҳоратимни ошириб бориш орқали кучли санъаткорлар сафидан ўрин олдим. Биз ички ишлар идораларида ўтказилаётган турли тадбирларда концерт дастурларини намойиш этаяпмиз.

– Икки кун давомида кўрик-танловнинг якунловчи босқичини диққат билан кузатдим, – деди яна бир суҳбатдошимиз, Транспорт ИИБ ШТБИХ бўлим бошлиғи, милиция капитани Ҳакимжон Юнусов – Тадбир пухта ташкил этилгани сезилиб турди. Бизнинг вакилимиз – Бухоро тармоқ ИИБ ВЕИН нозири, милиция лейтенанти Шавкат Ўраев юқори кўрсаткичга эришмаган бўлса-да, келгусида танловларда фаол иштирок этиш учун ўзига тегишли хулоса чиқариб олди. Бундай тадбирлар посбонларимизнинг Ватанга садоқат билан хизмат қилиши, зиммаларидаги бурчни англаб етишларида катта аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Тадбир сўнггида саралаб олинган қўшиқлар гулдастаси мухлисларга тақдим этилди.

**Саъдулла ШОДИЕВ.**

**Суратларда:** “Ўзбекистон қўшиқ байрами” кўрик-танловидан лавҳалар.

**А.САПАРМАТОВ олган суратлар.**

---

Адолатли ҳуқуқий-демократик давлат сари бораётган Ўзбекистоннинг давлат тузилишига бешта ҳал қилувчи тамойил асос қилиб олинган. Бир-бирига чамбарчас боғлиқ тамойиллардан бири – Конституция ва қонунларга риоя этган ҳолда ҳуқуқий давлат тузиш, ижтимоий ҳаётдаги барча соҳаларда қонуннинг устуворлигини таъминлаш деб белгиланган.




Бу ўринда Президентимизнинг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоат фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони муҳим давлат аҳамиятига эгадир. Ана шу Фармон талабларидан келиб чиқиб, ёшларнинг ҳуқуқий билимини, ҳуқуқий маданиятини бойитиб, янада юксалтириб бориш мақсадида республика ёшларининг “Камолот” жамғармаси, Адлия, Халқ таълими ва Ички ишлар вазирликлари, Олий суд, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзтелерадиокомпанияси ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари ўқувчи-талабалари орасида бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танлови ана шундай тадбирлардан биридир. Мазкур танловда ўтган йиллар мобайнида беш юз мингдан зиёд ўқувчи иштирок этган бўлса, жорий йилда олти юз мингга яқин ўқувчи иштирок этди.

Мақсади жамиятимизда Қонун устуворлигига эришиш эканлигини ёшларга англатиш йўли билан уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, Конституция, қонунлар, Давлат ва ҳукумат қарорларини ўрганишга кенг шароит яратиш ҳамда кўмаклашиш бўлган бу тадбир – кўрик-танлов тўрт босқичда ўтказилди. Унинг биринчи босқичи республикамиз умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида жорий йилнинг январь-февраль ойларида, 2-босқич туман ва шаҳарлардаги умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар билим юртларида, 3-босқич март-апрель ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда бўлиб ўтди.

Кўрик-танловнинг йилдан-йилга оммавийлашиб, иштирокчилар сонининг ортиб бориши ёшларимизнинг ҳуқуқий билимга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганлигидан нишона бўлиб, улар мамлакатимизда амалга оширилаётган туб islоҳотлар, Олий Мажлис ва Президент сайловларида фаол иштирок этишида ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

“Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловининг якуний босқичи Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган ўн тўртта ғолиб жамоалар иштирок этди.

Кўрик-танловда Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 1-ўрта мактабнинг “Қонун” жамоаси республика финал босқичи ғолиблигини эгаллади. Тошкент шаҳар Техника университети қошидаги академик лицейнинг “Истиқлол” жамоаси фахрли иккинчи ўринни, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 12-ўрта мактабнинг “Қалқон” жамоаси эса учинчи ўринни эгалладилар.

Шунингдек, танловда Сурхондарё вилояти Музрабод туманидаги 10 мактаб-интернатнинг “Адолат”, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги академик лицейнинг “Қонун” жамоалари фахрли тўртинчи ўринга муносиб кўрилдилар.

Танлов якунида ғолиблар ҳамда барча иштирокчи жамоалар ташкилий қўмита томонидан тайёрланган махсус дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шубҳа йўққи, кўрик-танлов республикамиз ёшларининг ҳуқуқий билимини оширишда асосий манбалардан бири бўлиб, бундан кейин ҳам ўз фаолиятини давом эттираверади.

**И. ТОЛБОБОЕВ,**
*ИИВ ЖООБ катта инспектори, милиция подполковниги.*

# АЁЛ БИЛАН ҲАЁТ ЧАРОҒОН

***Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида тобора нуфузи ортиб бораётган Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашида, республикамизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва эл осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчни шараф билан адо этишда хотин-қизларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бугунги суҳбатдошимиз — Тошкент вилояти ИИБ хотин-қизлар кенгаши раиси, милиция майори Дилором ГАЗБОЕВА.***

**— Дилором опа, бугунги ўзбек аёлининг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида суҳбатлашсак.**

– Ўзбекистон хотин-қизлари мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган туб ислоҳотларда, барча жабҳалардаги ўзгаришларда фаол иштирок этяптилар. Халқ хўжалигининг қайси бир соҳасига назар ташламанг, оташқалб аёлларимизга кўзингиз тушади. Бу эса жуда қувонарлидир. Республикамиз Президентининг 2000 йилни Соғлом авлод йили деб аташи ҳам бежиз эмас, фарзанд ҳаётимиз гултожи, эртанги нурли келажагимиз пойдевори бўлса, аёлларимиз эса, энг аввало, она, уй бекаси ва, қолаверса, авлодлар давомчиларидир. Шундай экан, бу йил биз аёлларга ҳар йилгидан кўра кўпроқ масъулият юклайди, баркамол ва соғлом фарзандларни камол топтиришда янада зийрак, зукко, фаол бўлишимизни талаб этади. Шу ўринда мен бугунги кун аёлларини самодаги ёрқин юлдузга қиёс этгим келади, улар ўзларининг бемисл латофати, қалбларидаги лиммо-лим меҳр ва садоқатлари билан оиланинг шамчироғи бўлиб порлаб турибдилар.

**— Аёлларимизга ғамхўрлик борасида вилоят ички ишлар бошқармаси хотин-қизлар кенгаши фаолиятига тўхтаб ўтсангиз.**

– Маълумки, ички ишлар идоралари тизимида ҳам эркаклар билан камарбаста бўлиб, эл-юрт осойишталиги йўлида кечаю кундуз хизмат қилаётган посбон аёлларимиз кўпчиликни ташкил қилади.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида 2000 нафарга яқин аёлларимиз самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Шулардан 400 нафарга яқини ҳам оналик, бекалик, ҳам посбонликни эплаб келаётган шаҳодатланган лавозимларда ишлаётган аёллардир. Уларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ва фарзандларининг соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тайёргарлик, таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, жамият ривожига қўшган ҳиссаларини янада ошириш мақсадида семинарлар ўтказилди. Ҳар бир шаҳар ва туман ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар кенгашларининг иш фаолиятлари ва ҳисоботлари тинглаб борилмоқда. Бугунги кунда бошқарма раҳбарияти ташаббуси билан ва бевосита хотин-қизлар кенгашининг иштирокида аёлларнинг меҳнат қилишлари ва дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Айниқса, бошқарма раҳбарияти аёлларнинг саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бошқармада аёлларнинг спорт билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар мавжуд. Ёруғ ва шинам спорт заллари, теннис корти, бассейнлар улар ихтиёрида. Ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари умумий жисмоний тайёргарлик, сешанба ва пайшанба кунлари эса сузиш машғулотлари мунтазам равишда тажрибали мураббийлар раҳбарлигида олиб борилаётганлиги ҳам самарали иш унумининг соғлом фарзандлар туғилишининг гаровидир.

**— Аёлларнинг маънан баркамол бўлишлари йўлида қандай ишлар қилинмоқда?**

– Бошқармада аёлларнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан бир қаторда, уларда этик ва эстетик маданиятни юксалтириш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мунтазам ўтказилаётган "Маърифат дарс"ларига давлат, жамоат, фан, маданият арбоблари ва давримизнинг фаол жамоатчи аёллари таклиф этилиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, оила, болалар тарбияси, оналарни эъзозлаш каби бир қатор мавзуларда улар билан қизиқарли учрашув, суҳбатлар ўтказилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, машғулотларнинг қизиқарли, ранг-баранг бўлиши ва дарс мавзуларни танлашда давр ва кун талаблари ҳисобга олиняпти. Пухта ишлаб чиқилган режа асосида иш олиб борилаётганлиги ходимларнинг, жумладан, аёлларнинг ҳам маънавий дунёқарашини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бошқарма раҳбарияти машғулотларда барча хизматчилар, ходимлар иштирок этиб, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш мақсадида машғулотларни бир йўла бешта аудиторияда замонавий техник ускуналар ёрдамида ўтказилишини ташкил этган.

Шунингдек, бошқарма раҳбарияти ва хотин-қизлар кенгаши аёлларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бошқармада ўтказилаётган ҳар бир тадбирда меҳри дарё аёлларимиз иззату икромда. Жумладан, Ўртачирчиқ туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан катта байрам дастурхони ташкил этилиб, унга вилоят, шаҳар, туман ички ишлар идораларида хизмат қилаётган хотин-қизлар, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг турмуш ўртоқлари ва фахрия аёллар таклиф этилдилар. Бир пиёла чой устида таниқли санъаткорларнинг куй-қўшиқларидан баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг турмуш ўртоқларига ва фахрия аёлларга хайрия фондидан пул мукофотлари ва бошқа совғалар топширилди, ходимлар ҳам пул мукофоти билан тақдирландилар.

Наврўз байрами арафасида эса республика полиамелит шифохонасида даволанаётган ногирон болалар учун байрам дастурхони ёзилиб, бошқарма раҳбарияти томонидан уларга совғалар топширилди. Бу эса кўнгли ўксик болажонларга бир қадар қувонч бахш этиши табиий.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Бўстонлиқ туманининг Хондойлиқ қишлоғида жойлашган "Зилола" номли дам олиш масканига уруш қатнашчилари, вилоят ички ишлар бошқармасида хизмат қилиб, қарилик гаштини сураётган фахрия аёллар таклиф этилиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Маълумки, халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг маънавий қудратига ва миллий ўз-ўзини англашига боғлиқдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, маънавиятни мустаҳкамлашдан меҳнат ва маблағни аяш керак эмас. Халқимиз маънавиятини юксалтириш эса бир кунлик иш эмас, у билан доимо шуғулланиш ва халқнинг дилига тушадиган янги-янги услубларни қўллаш лозим. Ходимларнинг маънавий баркамол бўлишларида диёримизда яшаб ижод этган мутафаккир алломалар қолдирган бой маданий мерос ва тарихий обидалар билан таништириш катта аҳамият касб этяпти. Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, бошқа миллатга мансуб бўлган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида анжуманлар ташкил этилиб, анжуман иштирокчилари Темурийлар тарихи давлат музейи, Тошкент шаҳридаги мустақиллик йилларида бунёд этилган йирик қурилиш иншоотлари билан танишдилар. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари Давлат цирки, Халқлар дўстлиги мажмуаси, Навоий номли истироҳат боғига, Хотира хиёбонига ташриф буюрдилар, Рус академик театри актёрларининг чиқишларидан, Ҳамза номидаги академик драма театри актёрлари томонидан намойиш этилган саҳна асарларидан олам-олам таассурот олдилар. Албатта, бундай тадбирлар улар ҳаётида ўчмас хотира бўлиб, ўзгача шукуҳ бахш этиши табиий.

**— Бошқармада Соғлом авлод йили муносабати билан амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтсангиз.**

– Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳам бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Вилоят ички ишлар идоралари тизимларида хизмат қилаётган ходимларнинг фарзандларига ғамхўрлик қилиш бошқарма раҳбарияти ва хотин-қизлар кенгаши диққат марказида бўлиб келмоқда. Вилоят ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг фарзандлари учун Наврўз байрами арафасида бир кунлик саёҳат уюштирилиб, болажонлар цирк томошаларидан, ҳайвонот боғидаги ажойиботлардан олам-олам қувонч олдилар. Болаларнинг шодликларидан-да юксак қувонч бўлмаса керак бу дунёда. Шунингдек, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Гулшан" истироҳат боғида ташкил этилган байрам сайлида ҳам болажонлар мириқиб дам олдилар. Викториналар ва футбол мусобақаларида ғолиб чиққан болаларга ИИБ бошлиғининг қимматбаҳо совғалари, дипломлар ва спорт анжомлари топширилди. Албатта, бундай тадбирлар келгусида болаларни нафақат ота касбларига ҳурмат ва меҳрларини уйғотибгина қолмай, балки Она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғуларини камол топтириши табиий.

Кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Ҳозирги пайтда Бекобод тумани Навбаҳор жамоа хўжалигида жойлашган 21-мактабда ИИБ томонидан ҳашар усули билан билан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу мактабнинг кутубхонасига ўқув ва бадиий китоблар олиш ва кутубхонани ташкиллаштиришни хотин-қизлар кенгаши ўз зиммасига олган. Ҳозирги пайтда ҳар бир ходимимиз иккитадан китоб олиб келиб, кутубхонани тўлдиришмоқда.

Ҳозирги кунда болажонлар қадрдон мактаблари билан хайрлашиб, соғломлаштириш оромгоҳларида дам олмоқдалар. Тошкент вилояти ҳам ўзининг сўлим оромгоҳлари билан машҳур. Бошқарма раҳбариятининг ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ИИВда хизмат қилиб ҳалок бўлган ходимларнинг 30 нафар фарзандлари Ўртачирчиқ туманида жойлашган "Меҳржон" оромгоҳида дам олиб ҳордиқ чиқармоқдалар. Уларнинг яхши дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бошқарма раҳбарияти ва хотин-қизлар кенгаши қардош қорақалпоқ болаларини Ўзбекистон Давлат цирки, ҳайвонот боғи ва вилоятнинг шаҳарлари билан танишишларига кенг имкониятлар яратиб бермоқдалар. Шунингдек, вилоят ички ишлар ходимлари оилалари, уларнинг фарзандлари соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида Паркент тумани Кумушкон ва Бўстонлиқ тумани Навлисой қишлоқларида жойлашган дам олиш масканларида ИИБ ходимларининг оила аъзолари учун маданий дам олиш ташкиллаштирилган.

Бундай хайрли ишлар ходимларнинг хизмат фаолияти унумли бўлишига омил бўлади. Зеро, оиласи тинч ходим эртанги кунга комил ишонч билан далил қадам қўяди, эл-юрт тинчлигини сақлашдек муқаддас бурчни шараф билан адо этади.

**Суҳбатдош**
**М. СУЛТОНОВА.**



**Суратда:** Д. Ғазбоева (ўнгдан иккинчи) кенгаш аъзолари билан.

## БАҒРИНГНИ ОЧ, "МЕҲРЖОН"!

Ўртачирчиқ туманининг сўлим гўшасида жойлашган "Меҳржон" болалар оромгоҳи Оролбўйидан келган 30 болани ўз бағрига олди. Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти экологик танг минтақада яшаётган ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандларини "Меҳржон" га таклиф этишди.

Болаларни дам олиш масканига етказиш учун Нукусдаги 19-автокорхона автобус ажратди. Чиноз тумани ДАН масканида эрта тонгда болаларни пойтахт вилояти ИИБ ШТБИХ раҳбарлари хушнудлик билан кутиб олишди. Мазали нонуштадан сўнг болалар пойтахтни томоша қилиб, оромгоҳга етиб келишди.

Экологик танг минтақада яшовчи болаларнинг ёзда яйраб дам олишини ташкил этиш ҳам соғлом авлодни тарбиялаш ишига қўшилган муносиб ҳиссадир.

**Ж. ОТАНИЁЗОВ,**
*ички хизмат капитани.*

## БОЛАЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



**Тошкент вилояти ИИБ Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш тақсимлаш-транзит муассасасига милиция ходимлари томонидан 2000 йил 25 май куни Шаҳноза Усмонова олиб келинган.**

Унинг сўзларига қараганда отаси Носир Усмонов озодликдан маҳрум этилган, онаси вафот этган. Ўзи 6 ёшларда, яшаш жойини айта олмади.

**Белгилари**: бўйи 110-120 см, сочи кўнғир, юзи думалоқ оқ-сариқдан келган, қошлари ёйсимон жигарранг, кўзлари ўртача катталикда оч жигарранг, бурни пучуқ, лаби ингичка, қулоқлари ўртача.

**Алоҳида белгиси:** бурнининг чап пастки қисмида холи бор.

**Кийимлари**: эгнига оқ майка, кўк шортик, оёғига яшил шиппак кийган.



**Муассасага 2000 йил 1 июнь куни милиция ходимлари томонидан Рустам Улхўжаев олиб келинган.** У тахминан 7 ёшларда, сўзларига қараганда Қўқон шаҳрида яшаган, ҳозирги вақтда эса Тошкент шаҳрида истиқомат қилмоқда.

**Белгилари**: бўйи 95-100 см, юзи чўзинчоқ буғдойранг, сочи қора калта, қошлари ёйсимон сийрак қора, кўзи қисиқроқ жигарранг, бурни узунроқ, лаби дурдоқ, қулоқлари катта.

**Алоҳида белгилари**: чап қошининг ён қисмида чандиғи ва чап қўлининг билак соҳасида куйгандан қолган излар (4см), белининг чап қисмида кўплаб куйган излар бор.

**Кийимлари:** эгнига оқ футболка, кўк трико, оёғига сарғиш резина шиппак кийган.



**Муассасага 2000 йил 30 май куни милиция ходимлари томонидан Орзигул Ҳаётхонова олиб келинган.** У 1993 йилда туғилган, сўзларига қараганда Қўқон шаҳрида яшайди, кўча ва уй рақамларини билмайди.

**Белгилари**: бўйи 110-120 см, кўзлари жигарранг, қошлари тўғри қора, сочи қора калта, юзи чўзинчоқ, қулоқлари ўртача, бурни тўғри, қадди-қомати ўртача.

**Алоҳида белгиси:** чап қўлининг билагида 2 см атрофида чандиқ бор.

**Болаларнинг ота-онаси ёки яқинлари бўлса Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш тақсимлаш муассасасига мурожаат қилишларини сўраймиз.**



**Жиззах вилояти Зарбдор тумани ИИБ томонидан 1992 йилда Қозоғистон Республикаси Пахтаорол туманида туғилган Асқар Рустамович Турдибоев қидирилмоқда.**

А. Турдибоев охирги вақтда Жиззах вилояти Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчаси Бахтиёр Усмонов кўчаси 1-уй 1-хонадонда яшаган. 2000 йил 24 апрель куни эрталаб соат 7 ларда мактабга бораман деб чиқиб кетиб, қайтиб келмасдан бедарак йўқолган.

**Асосий белгилари:** бўйи 110-120 см, сочи калта, кўзи кўк, бўйнида оқ ипдан қора тумори бўлган.

**Кийимлари**: эгнида яшил рангли спорт кийими, оёғида оқ шиппак, қўлида оқ рангли целлофан халтаси бўлган.

**А. Турдибоевни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**

# ҚАЙНОТАНИНГ ҚЎЛЛАРИ КУЁВНИНГ БЎҒЗИДА...

**Узун тумани суд зали биносида ўтказилган суд мажлиси кишини узоқ вақт ўйлантириб қўйди. Очиғини айтганда, бундай даҳшатли воқеалар ҳаётда камдан-кам учрайди.**

Темир тўсиқлар ортидаги саҳнада 73 ёшли Йўлдош бобо Норпўлатов, фарзандлари Чори ва Пардахоллар ўтиришибди. Надоматлар ила ёзилаётган бу сўзлар эртак ҳам, бадиий тўқима ҳам эмас, айнан теварак-атрофимизда рўй берган воқеадир. Ишонасизми, Йўлдош бобо шу ёшида ўғли ва қизи билан жиноий тил бириктириб, ўғли ўрнида қабул қилган куёвини ўлдирди.

Воқеа аслида бундай бўлган эди. Узун туманидаги Қизил Деҳқон қишлоғида яшаб келган Йўлдош бобонинг 8 нафар фарзанди бор. Бобо уларни уйли-жойли қилгунича бошидан не кунлар ўтмади. Чорибой ва Пардахол унинг ҳовлисида қўним топгандилар. Чори билан Пардахолнинг турмуш ўртоғи Фарҳод Ҳайитовлар ўртасида ҳовли бўйича низо келиб чиқди. Охири тугамаган жанжал кундан-кунга авж олиб борди. Оқибатда ота ва болалар орасида Фарҳодга нисбатан адоват, ҳасад пайдо бўлди.

Кунларнинг бирида Пардахол отаси ва акаси Чорига: "Ёрдам берринглар, Фарҳод мени ўлдираман деяпти", деб шикоят қилади. Ота, ўғил ва қизнинг юрагида яшириниб ётган адоват илони ўша кеча Фарҳод Ҳайитовнинг бўйнига маҳкам чирмашиб, заҳрини сочди. Ўлимидан хабари йўқ Фарҳод икки гўдаги ёнида ширин уйқуда ётарди. Жиноий гуруҳ бошлиғи Йўлдош бобо куёвининг бўйнига мустаҳкам чилвирни ўраб, бўға бошлади. Қолганлар эса унинг қўл-оёғини маҳкам босиб турди. Фарҳод типирчилай типирчилай охири минг бир азоб билан жони узилди.

Ҳали тани совуб улгурмаган Фарҳодни ота-болалар ҳовлига кўтариб чиқишди. Тун ярмидан оққандан сўнг, жасадни майдалаб, қопларга жойлашди ва эшакка ортиб, узоқдаги адрга қараб жўнадилар. Гумроҳлар ўша туннинг ўзидаёқ чуқур ҳандақ қазишди, жасад устига солярка сепиб, ёқиб юборишди. Уларнинг мақсади Фарҳод Ҳайитовни гўё тожикистонлик фуқаролар ўлдириб кетгандек қилиб кўрсатиш эди.

Эртасига мол боқиб юрган чўпоннинг кўзи, чуқурликда ёқиб юборилган мурданинг ёнмай қолган аъзоларига тушди-ю, дарҳол ички ишлар бўлимига қараб югурди.

Тезкор гуруҳ аъзолари, изқуварлар воқеа содир бўлган жойда ҳозир бўлишди. Экспертлар Фарҳод бўғиб ўлдирилганлигини аниқладилар. Аввалига қайнота қилмишига иқрор бўлиш ўрнига, бегуноҳ кимсаларга айбни ағдармоқчи бўлди. "Қинғир ишнинг қийиғи" шу куннинг ўзидаёқ очилди. Фарҳод Ҳайитовнинг бўйига бўғма илон бўлиб чирмашган қўлларга кишан тортилди. Икки гўдак ота дийдорига зор қақшаб қолди. Ўз куёвини ўлдириб, шармисор бўлган Йўлдош бобо одамлар ўртасида газанда, деган ном олди. Пардахол ўзи севиб теккан ёстиқдоши умрига зомин бўлди.

Суд ҳукми билан ота ва ўғилга 20 йилдан жазо муддати тайинланди. Ёстиқдошини ўлдирган Пардахол Норпўлатова эса умрининг 17 йилини тиканли симлар отида ўтказадиган бўлди.

**Мейлихон РАҲИМОВА.**

## ... ҚАЙНОНА ҲАМ ШУ ЙЎЛДА

*Пойтахтнинг Чилонзор туманида яшовчи Ф. М. илгари судланган. Куёви Р. С.никига меҳмонга борганида у билан келишолмай ўрталарида оилавий жанжал келиб чиқди. Шунда қайнона... куёвининг кўкрагига пичоқ санчди. Чап кўкрагидан оғир жароҳат олган Р. С. касалхонада вафот этди. Қайнона қўлга олинди.*

# ҚЎШНИНГ ЎҒРИ БЎЛСА...

Қўшнинг ўғри бўлса ҳам қийин экан. Боғот тумани Искандар Дўсов жамоа хўжалигида яшовчи Тоҳир Нурметовнинг омборхонасидан бир кечада 200 килограмм шоли зим-зиё бўлди-қолди – эрталаб не кўз билан кўрсинки омборхона эшиги ланг очиқ. Шоли жойланган қоплар жойида йўқ. У воқеа тўғрисида ички ишлар бўлимига хабар берди. Ходимлар бир пасда етиб келиб, ўғирликни очиш бўйича ишни бошлаб юборишди. Воқеа жойи обдон кўздан кечирилиб, ҳужжатлаштирилди. Эксперт-криминалист дарвозада қолган бармоқ изларини олди. Бармоқ излари гумондор одамларники билан солиштирилганида ўғирликни содир этган шахс кимлиги маълум бўлди. Ўғри Тоҳирнинг қўшниси, 21 ёшли Ҳамид Жуманиёзов бўлиб чиқди. Тоҳир ҳайрон бўлиб ёқа ушлади: гапу гаштакда бирга бўлсанг-у...

**Мирза АБДУЛЛАЕВ.**
*Хоразм вилояти ИИБ ходими.*

# ИДДАОНИНГ ИНТИҲОСИ

... Чинободнинг сўлим ҳовлиларидан бирида уч ака-ука истиқомат қилишарди. Ака-укаларнинг бир-бирларига меҳри йўқ эди. Арзимаган сабаб билан жанжаллашиб қолишар, ҳафталаб ўзаро гаплашмай юришарди. Бир куни икки ака-ука (уларни Собир билан Нодир дея қолайлик) "сан-ман"га бориб қолишди. Натижада Нодир Собирга пичоқ санчиб олди. Собир касалхонага, Нодир эса қамоқхонага йўл олдилар.

Нодир жазони ўтаб бўлгач, яна ўз уйига қайтди. Ака-укалар бир-бирларини кечиришиб, яна бир ҳовлида яшай бошлашди. Лекин, Нодирнинг қалбида Собирга нисбатан адоват учқуни барибир қолган экан. Бу учқун катталашиб, алангага айланди. Ака-ука қалбидаги вулқон бир кун келиб портлашини яхши билишарди. Портлаш учун ҳеч бўлмаганда олдингидек арзимаган сабаб керак эди, холос.

Йигитларнинг укаларига меҳрибон, ҳамдард опаси бор. Опасининг турмуш ўртоғи ҳам қалби дарёликда хотинидан қолишмайди. Шу боис, тез-тез йигитларни йўқлаб турарди. Ўша куни ҳам поччаси қайнукаларини кўргани келди. Ака-укаларнинг бири ош, иккинчиси чой дамлади, учинчиси поччасининг кўнглини олиб, даврага файз киритиб ўтирди. Табиийки, давра ароқсиз қизимади. Почча хушкайфиятлик билан хайрлашиб, хонадонга тинчлик, осойишталик тилаб кетди.

Собир поччасини кузатиб қайтганда айвон устунига суяниб турган акаси Нодирнинг авзойи бузуқ эди.

– Тинчликми, ака? – ҳайрон бўлиб сўради у.

– Ҳа, тинчлик бўлмай гўр бўлармиди? Ҳаётнинг мана шунақанги лаззатини тотиб кўрганингдан кейин ортда қолган машаққатлар ҳам кўзингга кўриниб кетар экан. Эсингдами, қамоқда ўтириб, мана шунақанги ширин ҳаётдан бебаҳра қолганман?

– Ҳа, энди...

– Нима ҳа, энди? Гўёки ҳаммасини унутиб юборгандексан-а? Ахир, сен можарони бошламаганингда пичоққа осилармидим? Натижада сен оппоғу мен жиноятчи бўлиб, тўрт йил ўтириб чиқдим. Айтишга осон, шуни биласанми?

Собир ҳам бир оғиз "хўп" деб қутулиб кўя қоладиганлар тоифасидан эмас.

– Ҳа, нима, қилғиликни қилиб қўйиб энди аламингни олмоқчимисан? Айб ўзингдан ўтган эди...

Икки ака-уканинг можароси муштлашишга айланиб кетди. Учинчи ука эса ҳеч нарсадан бехабар ташқарида юраверди. Собир ташқарига қочиб чиқди. Укасини ёрдамга чақирди. Укаси етиб келгунига қадар Нодир қўлига кетмонни олиб, унинг бошига туширди. Кетмон Собирнинг бошига ўн сантиметр чамаси ботиб кетди. Унинг кўзлари тиниб, ерга қулади.

Чинобод туман ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига терга ботган Нодир ҳовлиққанча кириб келди:

– Мен укамни, ўз укамни ўлдириб қўйдим...

**Қаҳрамон НОДИРОВ,**
*Андижон вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори.*

# ҚЎЙ ЁҒИ ИЛИНЖИДА

Август ойи. Йилнинг энг иссиқ кунлари. Қуёш ҳаддан ташқари қиздираётганлиги учун дарахтларнинг барглари ҳам қилт этмайди. Тун бўйи бекорчиликдан зерикиб уйида ётган Назир шошилмай ўрнидан турди-да, аста кийиниб кўчага отланди. Оила аъзоларининг ҳаммаси ҳар хил юмуш билан банд. Унга "қаёққа кетяпсан?", дегувчи одам бўлмади. У кечадан буён калласида "пишитиб" юрга режасини амалга оширишга шошилди.

"Андижон – Урганч" йўналишидаги поезднинг Андижонга келадиган вақти бўлди, – ўйлади у. – Бирорта анқовроқ йўловчини топиб, "шилиш" керак. Йўқса, яна пулсизликдан қийналаман. Бошқаларга ўхшаб белини оғритиб, меҳнат қилиб пул топиш унинг қўлидан келмайди.

Шоҳбекатда навбатдаги йўловчи поезд манзилга етиб келганлиги ҳақидаги эълон эшитилганида Назирнинг кўзи олазарак бўлиб атрофга боқар, ўзига "ҳамроҳ" қидирарди. Шу пайт шоҳбекатда изғиб юрган болакайлар орасида унга кўз таниши учраб қолди. "Ойбек, – деди у овозини бироз пастлатиб, мени ёнимга кел-чи! Манаву сигаретни чекиб ол!" Кутилмаган илтифотдан болакай хурсанд бўлиб талтайиб кетди-да: "Братан, мен ҳам Сизнинг хизматларингизга тайёрман", – деди ялтоқланиб.

– Ўзинг мени ичимсан-да, сендан бошқаси бир им қоқишдаёқ муддаомни тушунмаган бўларди. Энди – ёнимга яқинроқ кел-чи, ҳув-анаву қора-қизил катак сумкаси бор аёлни кўряпсанми? Унинг безовталанишига қараганда вагонда яна нимасидир қолганга ўхшайди. У вагонга қайтиши билан сумкани олиб қочиб менга олиб келиб берасан. Сумкаси йўқолганлиги ҳақида милицияга хабар бергани кетганда сен янги "юк"ни олиб қочасан.

Ойбек Назирнинг топшириғини айтганидан ҳам зиёда қилиб бажарди. Ўғирланган моллар, яъни ҳар бири уч килограммдан елим идишга жойлаштирилган 15 дона куйдирилган Эрон қўй ёғисининг 6 тасини 5200 сўмга номаълум бир йўловчига пуллаган Назир Ойбекка 1000 сўм пул бериб, қолган 8 тасини ўзи билан бирга олиб кетиб Андижон шаҳрининг Янгибозор ҳудудига келиб, биринчи дуч келган аёлга ўн минг беш юз сўмга пуллаб юборади.

Ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган Н. Абдуманнопов ўзи билан бирга ҳали балоғат ёшига етмаган болани ҳам жиноятчиликка етаклади. Афсуски, у ўйлагандек ўзи ўғирлаб кетган ёғининг пуллари тамоғидан силлиққина ўтиб бўлмай қонун ҳимоячилари томонидан ушланиб, жазосини олди.

**Рустамжон РАҲИМОВ,**
*Андижон тармоқ ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси катта терговчиси, милиция капитани.*

# „ИМТИҲОН" ДАН ЙИҚИЛГАН ДОМЛА

Мана, мактабларда сўнгги қўнғироқлар янграб, битирувчилар олий ўқув юртларига, коллежларга ўқишга кириш учун ҳужжатларни расмийлаштириш билан оворалар. Фарзандининг камолини кўришни неча йиллардан буён орзу қилиб юрган ота-оналарнинг эса жони ҳалак. Абитуриентлар учун неки керак бўлса, барчасини муҳайё қилишга шай турган ота-оналар ҳар эҳтимолга қарши қабул комиссиясининг раисига учраб қўйишни ҳам унутишмаяпти... Масалан...

Асака шаҳридаги техника иқтисодиёти коллежини олиб кўрайлик. 1999–2000 ўқув йили учун имтиҳон комиссиясининг масъул котиби, мана шу ўқув даргоҳининг ўқитувчиси Маъмуржон Қурбонов "Қабул комиссияси"ни гўёки деҳқончилик майдонига айлантириб олди. Деҳқон ҳам ҳосилини йиғиштириб олгач, мўмайгина даромад ишлаб олгани каби, у ҳам ўзининг нопок ҳаракатлари ила даромад ишлаб олишни ният қилди. Қандай қилиб дейсизми? Имтиҳон юзасидан савол билан ташриф буюрган кишига контракт учун олдиндан пул тўлаб қўйилса, ўқишга киришига юз фоиз ишонч бўлишини уқтираверди. Натижада кўплаб ота-оналар фарзандининг билими билан эмас, контракт учун тўлов ҳаракати билан қизиқдилар. Маъмуржон Қурбонов эса бу ишни хамирдан қил суғургандек осонгина уддасидан ўта бошлади. Натижада 27 нафар фуқародан 1.265.000 сўм ва 2000 АҚШ доллари ундиришга муваффақ бўлди. Ҳар бир "мижоз" учун эса сохта контракт шартномасини тузди.

Ўқув йили бошланиб улгурмасиданоқ фирибгарнинг қилмишлари фош бўлиб, ички ишлар бўлими ходимларининг махсус "имтиҳони"дан ўтишга мажбур бўлди. У эса табиийки, имтиҳондан "йиқилди". "Имтиҳон"дан йиқилган домла ҳозир, ушбу коллежда ишламаяпти, уни "командировка"га юборишганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ.

**Саминжон ҲУСАНЗОДА,**
*Андижон вилояти.*

# СОҒЛИҒИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**Саломатлигимизни асраш ҳақида донишмандлар томонидан кўплаб тавсиялар берилса-да, кўпчилигимиз соғлиғимиз ёмонлашиб, аҳволимиз танг бўлиб қолгандагина шифокорга мурожаат қиламиз. Бундай бепарволикка баҳонамиз ҳам тайёр: даволанишга вақтимиз етмайди ёки даволаниб нима қиламан, тиббиёт ходимлари барибир кучсиз, деймиз. Биринчи баҳонамиз ҳуқуқ – тартибот ходимларига хос бўлсада, ички хизмат подполковниги А. Аминов раҳбар бўлган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий поликлиникасида бир марта бўлса ҳам даволанган инсон ҳеч қачон иккинчи гапга қўшилмайди.**



Поликлиника остонасидан ҳатлагандан ундаги саришталик, файз эътиборингизни тортади. Бу ерда ташриф буюрувчилар учун ҳамма қулайлик яратилган: кийимхона, фойедаги дам олиш хоналари, тувакларда барқ уриб ўсаётган гуллар, буфет – буларнинг ҳаммаси дардига шифо излаб келганларнинг кўнглини кўтаради. Шифокор қабулини кутиб ўтирган беморлар кам, лекин навбат кутиб ўтирганлар йўқ деб ҳам бўлмайди. Ҳаммаси тиббий шифохоналардагига ўхшаш оддий.



Поликлиникада хизмат ўзига хос тарзда ташкил этилган. Яъни, бўлимда ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритувчи бўлинмалар билан бир қаторда ўхшаш мутахассисликлар бўйича ишловчи шифокорлар бирлаштирилган (масалан, физиотерапия ёки гинекология бўлимлари). Бунга беморларни амалий жиҳатдан тўлиқ текширувдан ўтказувчи диагностика бўлинмасини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бу бўлинмада қонни биохимик усулда текширишдан тортиб жигар, буйрак, қалқонсимон безларнинг иш фаолиятидаги баҳсли масалаларни ҳал этувчи радиологик хулосагача мавжуд. Бўлинмада эндо ва колоноскопия, ультратовуш тадқиқотлари, электрокардиограмма, рентген, электроэнцефалография, қонни махсус тадқиқ этувчи мутахассислар хизмат қиладилар. Бу ҳақда бўлинма бошлиғи, ички хизмат капитани М. Атабоев шундай дейди:

– Поликлиникамиздаги барча тиббиёт ходимлари каби бўлинмамиз ходимлари ҳам ўз ишларининг усталаридир. Уларнинг кўпчилиги бу ерда узоқ йиллардан буён хизмат қилади. Масалан, радиолог Ю. Игнатьева поликлиникада ўн тўрт йилдан буён ишлайди.

Тартиб бўйича ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳар йили профилактика учун тиббий кўрикдан ўтказилади.

Кўп ҳолларда аниқ ташхис қўйиш ва даволаш учун муолажа белгилашда диагностика бўлинмаси шифокорларининг хулосалари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Муолажа белгилаётган шифокор кўпинча дори-дармонлар билан бирга касалликни тезроқ бартараф этишга кўмаклашувчи физиотерапевтик даволаш чораларини ҳам тайинлайди. Ички хизмат старшинаси Б. Ибатов бошлиқ бўлган физиотерапия бўлинмасида даволашнинг сув, иссиқлик, электр қуввати, массаж билан даволаш усуллари мавжуд. Гидромассаж, ҳар турли шифобахш воситалар аралашмасидан иборат ванналар, циркуляр душ, электрофарез, УВЧ, лазер, ультратовуш каби даволаш усулларини изоҳлашга ҳожат йўқ. Бўлинмада ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган янгиликлар ҳам мавжуд. Масалан, авваллари ультьратовушдан фойдаланганда оддий малҳамлар ишлатилган бўлса, ҳозир дори препарати, яъни фонофарез қўлланилади. Бу муолажа электрофарезга асосланган, бироқ бунда эуфиллин ҳам ишлатиладики, у спазм, нафас сиқиши, бронх касалликлари билан оғриган беморларга самарали наф беради. Яқинда кучли оғриқни қолдириш билан бирга сурункали артериал етишмовчилигига ҳам ёрдам берувчи ток билан диадинамик таъсир қилиш усули ҳам жорий этилди.

Милицияда ишлаш юқори даражадаги жисмоний, руҳий зўриқиш билан боғлиқ. Кеча-ю кундуз хизмат билан банд бўлган ходимларни ҳақиқатан ҳам баъзан ўз соғлиқлари ҳақида ўйлашга вақтлари бўлмайди. Ана шуни ҳисобга олиб поликлиника қошида уйга бориб хизмат кўрсатиш ва кундузги стационарда реабилитацион хизмат кўрсатиш бўлими ташкил қилинди. Стационар ўн ўринга эга. Уйда даволаниш имкони бўлмаган беморлар ҳар куни эрталаб бу ерга келиб, кечгача шифокорлар ва ҳамшираларнинг эътиборида бўладилар.

Айтиб ўтганимиздек, бўлинма шартли равишда иккига бўлинади. Шифокор ва ҳамшираларнинг биринчи гуруҳи кундузги стационарда даволаниш учун келадиганлар билан банд бўлади. Қолган тиббий ходимлар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва ИИВ фахрийларининг уйларига бориб, хизмат кўрсатадилар. Бу ўзига хос "тез ёрдам" бўлиб унинг чақириқларни қабул қилувчи ўз диспетчери, хизмат кўрсатувчи шифокорлари, ҳамширалари, машиналари мавжуд. Зарур ҳолатларда махсус мутахассислар беморнинг уйига бориб хизмат қиладилар, анализлар оладилар. Уруш ва ИИВ фахрийларини стационар даволаш уйларида амалга оширилади.



Бунда махсус ажратилган ҳамшира даволаш муддати тугагунча беморнинг уйига қатнаб, буюрилган муолажаларни адо этади. Бўлинма бошлиғи, ички хизмат катта лейтенанти М. Мирхожаева яқин келажакда тиббий хизматни янада яхшиловчи ва шифокорлар ишини енгиллаштирувчи УЗИ ва ЭКГларнинг портатив аппаратларига эга бўлишга умид билдирди.

Поликлиникада ички ишлар идоралари ходимларининг оилаларига, айниқса, фарзандларига алоҳида эътибор берилади. Жорий йилда ички хизмат майори О. Вертелецкой бошлиқ бўлган болалар бўлинмасида сурункали касалликлар, зотилжам кабиларга чалинган болалар учун кундузги стационар очилди. Бўлинма тиббиёт ходимларининг шаҳар болалар маркази, врачлар малакасини ошириш институти ва бошқа тиббий ташкилотлар билан ҳамкорлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бундан ташқари болалар бўлинмаси шифокорлари ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ёзда "Заркент" масканида дам олувчи фарзандларига ҳам хизмат кўрсатадилар.

Чақалоқларнинг дунёга келган куниданоқ тўғри парваришлашнинг аҳамияти қанчалик зарурлигини яхши билган бўлинма шифокорлари ойда бир марта ёш оналар ҳузурида бўлиб, уларга болани тўғри парваришлаш ва овқатлантириш бўйича зарур маслаҳатлар берадилар.

Оналар билан ишлаш фарзандлари ҳали дунёга келмаслариданоқ бошланади. Шу мақсадда гинекология бўлинмасида "Ёш оналар мактаби" ташкил қилинган. Бу ерда уларга гўдакларни парваришлаш ўргатилади ва бўлажак оналар ўз соғлиқларини сақлашлари қанчалик муҳим эканлиги уқтирилади.

Бир сўз билан айтганда, ЎзР ИИВ Марказий поликлиникаси ходимларининг мақсади ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчилари соғ-саломат бўлишидир.

**И. САЙФУТДИНОВА.**

# БИЗГА ИШИНГИЗ ТУШМАСИН

**Фарғона вилояти ИИБ Тиббий хизмат бошлиғи, ички хизмат полковниги Набижон Абдуғаниевич ВАҲОБОВ билан суҳбат**

**Ички хизмат полковниги Набижон Ваҳобов тақлид қилса арзийдиган инсон.**

**Набижон ака вилоят ички ишлар бошқармаси тиббиёт хизматига келиб ишлаётганига ҳам 25 йил бўлибди. Шу баҳона, Набижон ака билан суҳбат қурдим.**

– Вилоятда осойишталик посбонларига хизмат қилувчи тиббиёт хизмат қисми дастлаб 1945 йилда шифокорлик тиббий пункти сифатида ташкил топган, – дейди у. – 1955-56 йилларга келиб эса амбулатория ташкил бўлган. Йиллар ўтиши, ходимлар сони кўпайиб, хизмат қилувчилар сафи кенгайиши билан врачлар хизматига талаб ошган ва у поликлиникага айланган.



Мен 1976 йили шу ерга ишга келдим. Ўшанда поликлиникада ўттиз бешта штат бирлиги бор эди. Ҳозир 70 та ходим бор. Бугунги кунда тиббий хизмат таркибида поликлиника, амбулатория, санэпидстанция, ҳарбий тиббий комиссия, ясама тиш тайёрлаш лабораторияси, вилоятлараро ўқув маркази ва болалар боғчаси шифокорлик шохобчаси ҳамда ички қўшинлар тиббий қисмлари бор. Кейинги йилларда вилоятда ички қўшинлар қисмлари ва у ерда хизмат қилувчилар сони анча ортди. Поликлиника 150 кишига мўлжалланган лойиҳа бўйича 1978 йили қурила бошланди. Унинг қурилиб, ишга тушишида вилоят ИИБнинг бошлиғи бўлиб ишлаган Аҳад Ашурматов, Ориф Фозиловларнинг хизматлари катта бўлганди.

Ўтган йиллар мобайнида бу ерда ажойиб тиббиёт ходимларидан тиббий хизмат подполковниги Раҳматжон Зокиров, катта тиббий ҳамшира Валентина Васильевна Вагнер, ички хизмат подполковниги Қаюм Зокировлар ишлашган.

Поликлиника ташкил бўлган кундан буён болалар шифокори Дора Поджарская, жарроҳ Садрий Самеддинов, биохимик шифокор Вера Булавиналар ишлаб келмоқда. Сафимизга ёш тиббий хизмат ходимлари келиб қўшилдилар. Кўз касалликлари шифокори Зулфия Маҳмуджонова, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари врачи Шуҳрат Фармонов ва аёллар касалликлари шифокори Шаҳзодахон Хожаевалар шулар жумласидандир. Улар хизматидан мижозлар мамнун.

Кейинги йилларда даволаш асбоб-ускуналарининг янги турлари олинди. Поликлиникада 4 ўринли кундузги стационар ҳам мавжуд. Болалар шифокори етти юзга яқин болаларга, шунингдек, бошқарманинг 140 ўринли болалар боғчасига ҳам хизмат қилади. Санэпидстанциямиз қошидаги бактериологик лабораторияда касалликларни чақирувчи микроб турини ва уни қандай антибиотикка сезгирлигини аниқлаш йўлга қўйилган.



Қўқон гуруҳи туманлар ИИБларига хизмат қилувчи амбулаторияни ҳам поликлиникага айлантириш муддати келди чоғи. Чунки, бу туманлар ходимлари Фарғонага келиб кетиши учун кўп вақт сарф бўлади.

Милиция ходимлари учун ИИВ тизимидаги дам олиш масканларига йўлланмалар бепул. Зобитлар учун йўлланма нархи 25 фоизга олинади.

Вазирлигимиз ходимларимизга ғамхўрлик қилиб, ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда оғир касалликлар билан оғриганлар учун истисно тариқасида нақд пулга дори сотиб олиб бериши мумкин. Мен ходимларимиз саломатлиги йўлида яна баъзи бир таклифларни айтиб ўтардим: давлат ҳисобидан даволанувчи милиция ходимлари учун шифохоналар қуриш вақти келди деб ўйлайман. Бундан ташқари ИИБларда руҳшунос шифокор штатлари ташкил қилиш зарур.

Мен барча ҳамкасб ходимларимизга фақат соғлиқ тилайман ва ярим ҳазил, ярим чин тариқасида айтмоқчиман: бизга ишингиз тушмасин.

**М. КИМСАНБОЕВ.**

**Суратда**: тиббиёт ходимлари фаолиятидан лавҳалар.




Китоб жавонингизга

## ЧАМАН БЎЛГАЙ БОСГАН ИЗЛАРИНГ

Хоразм вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими Мирза Абдуллаевнинг шу номли тўплами "Ўзбекистон" нашриётида К. Бўронов муҳаррирлигида чоп этилди.

Ушбу тўпламдан ўрин олган лавҳа ва мақолаларда жамият тараққиётига халақит бериб турган энг ёмон иллат — жиноятчиликнинг хунук оқибатлари ҳамда ички ишлар ходимларининг жиноятчиликка қарши курашдаги жасоратлари ҳақида ҳикоя қилинади. Китобни ўқиркансиз, жасур ва фидойи осойишталик ҳимоячилари бор ва улар орамизда кўп эканлигига амин бўлиб, ҳар қандай жиноятчи учун жазо муқаррарлигига қатъий ишонч ҳосил қиласиз.



Biz uchchovlon abadiy do'stmiz!

## O`G`RINI USHLA!



Militsiya xodimi qaysi yo'ldan borsa, o'g'riga tez yetib oladi?



## Хандалар

*Онаси Шерматжонни ухлатаман деб 3-4 та аллани кетма-кет айта бошлади.*

*Онасини эшитаётган Шерматжон....*

*— Ашулани жуда зўр айтар экансиз. Аммо мени жудаям ухлагим келаяпти.*

***

*Бир эркак музейни томоша қилишга кирди. У расмлар орасидаги портретни анча томоша қилиб:*

*— Манави одам телба кўринади. Костюми йиртиқ бўлишига қарамасдан, расмини буюртма қилдирибди, — деди калласини қимирлатиб.*

***

*Кичкина бола отасидан сўради?*

*— Дадажон туғилган кунимга нима совға қиласиз?*

*— Сен нимани хоҳлаяпсан?*

*— Сейфнинг калитини.*

***

*Ёш қизча қарияни сўроққа тутди.*

*— Бобожон "филиал" дегани нима?*

*— Масалан — Хожатхонада сени тувагинг бор, тўғрими?*

*— Тўғри.*

*— Ана шу тувагинг унитазимизни филиали бўлади.*

***

*Эр-хотин дўкондан 2 та эркаклар костюмини харид қилишди.*

*2 кундан сўнг хотини...,*

*— Дадаси эски костюмингизни ташлаб юбордим, — деди.*

*— Эсинг жойидами? — деб койиди эри хотинини... — Энди мен солиқ инспекциясига нимани кийиб бораман.*

***

*Икки маҳбус панжара ортида дардлашиб ўтиришарди.*

*— Эҳ, дўстим, агар билсанг эди, хотиним билан денгиз бўйида қандай вақтни ўтказар эдик. Чўмилардик, қуёш нурида қораярдик, бир-биримиз билан қувлашиб, етиб олсак қумга кўмардик.*

*— Зўрку жуда.*

*— Ҳа.., агар муддатим туғаб, қамоқдан чиқсам, албатта, уни шу ердан қазиб оламан.*

**Ж. ҒОИПОВ тўплаган.**

## TOPISHMOQ-SAVOLLAR

**1.** Otamning o'g'li, lekin mening akam ham emas, ukam ham emas. Kim u?

***

**2.** Besh harfdan iborat sichqon ushlaydigan qopqonni toping-chi.

***

**3.** Hayvonlardan birining nomini ikki tomondan o'qiganda ham o'zgarmaydi. U qanday hayvon?

***

**4.** Qaysi joyda daryolar suvsiz, shaharlar uysiz b'o'ladi?

***

**5.** Qaysi joyda osmon pastda bo'ladi?

***

**6.** Nimaning besh barmog'i bor-y, lekin birorta ham tirnog'i yo'q?

**Javoblarni quyidagi rasm-suratlarda topishingiz mumkin.**















**Bu ikki masxarabozlar orasidagi 15 ta farqni toping.**

Ўқинг – бу қизиқ!

# МЎМИЁ — МИНГ ДАРДГА ДАВО

**Камина шифокор бўлгани учун кўп давраларда мўмиё ҳақида сўрашади. Одамлар уни қайси касалликларга даволиги билан қизиқишади. Яна уни қандай қилиб, қай маҳал, қанчадан, неча кун истеъмол қилишни суриштиришади. "Постда" халқимизнинг севимли газеталаридан бирилигини, кўлма-кўл бўлиб ўқилишини ҳисобга олиб, юқоридаги саволларга шу газета саҳифалари орқали жавоб беришга жазм қилдим.**

Азизлар, аввалambор мўмиёнинг аслини топиб ичиш керак. Уни ошқозон яраси оғриғи хуруж қилганда, ҳазмни кучайтириш учун, жигар, ўт қопи, сийдик пуфаги хасталикларида, ич кетганда истеъмол қилинади. Мўмиё аслни 2 маҳал: эрталаб вақтли оч қоринга ва кечқурун уйқу олдидан ичиш керак. Даволаш муддати одатда 5-10 кун.

Мўмиёни қанчадан истеъмол қилишни билиш ҳам муҳим. Беморнинг вазнига қараб, 70 кг гача бўлган киши 0,2 г, 70–80 кг оралиғидагилар 0,3 г, ундан оғирлар 0,4–0,5 г дан ичиши лозим. Айримлар уни совуқ сувга, чойга аралаштириб ичишади. Бунда мўмиё таркибидаги фойдали элементларнинг хоссалари ўзгариб кетади. Уни сутга ёки асалга, мева, укроп, петрушка, маймунжон шарбатларидан бирига, тухумга аралаштириб (эритиб) ичиш керак. Муолажа даврида парҳезга риоя қилиш керак, спиртли ичимликларни аралаштириш асло мумкин эмас. Умуман, мўмиё покликни яхши кўради.

Юқоридаги касалликлардан ташқари мўмиё суяк синганда, чиққанда, эт узилганда, пайлар чўзилганда, кўкрак қафаси жароҳатланганда, бод (ревматизм) хасталигида, яхши наф беради. Бунда ҳам кунига икки маҳалдан вазнга қараб 0,2–0,5 г дан 20–25 кун истеъмол қилинади. Шикастланган жойга ҳам керагича суриладі. Муолажани 10–15 кундан сўнг яна такрорлаш мумкин.

Эркакларнинг, аёлларнинг уруғи заифлашганда 0,2–0,3 г мўмиё сабзи шарбатида эритилиб, наҳорга ва кечқурун уйқудан олдин 20–25 кун ичилади.

Нафас қисма (бронхиал астма) касаллигида ҳам юқоридаги аралашма билан томоқ, ҳалқум чайилади. Бел оғриғи (радикулит), неврит касалликларини даволашда мўмиёнинг 8–10%ли спиртли эритмасини 20 кун 5-6 дақиқа давомида оғриган жойга суриладі. Бир вақтнинг ўзида 0,2–0,5 г дан 2 маҳал ичилади.

Мўмиё тўқималарни мустаҳкамлайди, асаб толалари фаолиятини яхшилайди. Халқимизда уни минг дардга даво деб бежиз айтишмайди. Фақат, ихлос қилиш, ишониш керак. Ихлос – халос.

**Абдусаттор АБДУРАҲИМОВ,**
*нафақадаги шифокор.*

**Йўл тасодифларга тўла**



***Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да тўқ экан, уч ака-ука бор экан. Улар ўз бахтини излаб йўлга тушишибди. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Ахири кеч кирганда бир ўрмон ёқасига етиб келишибди.***

***Улар шу ерда тунашга қарор қилишибди. Тўнғич ботир кулол экан. Укалари ухлаб, ўзи навбатчилик қилаётганда лойдан гўзал бир қиз ҳайкалини ясабди.***

***Навбатчилик гали келган ўртанча ботир қизнинг ҳайкалига кўзи тушиб, ўз ҳунарини ишга солибди, бежирим, чиройли кийимлар бичиб-тикиб, уни кийинтириб қўйибди.***

***Кенжа ботир ҳам бўш келмабди. У машшоқлик маҳоратини ишга солиб, қизга жон киргизибди.***

***Эрталаб ака-укалар қиз кимга тегиши кераклиги устида тортишиб қолибди. Яқинда наманганлик икки киши ҳам ана шу эртак қаҳрамонлари аҳволига тушишди.***

***Воқеа қаери биландир эртакка ўхшаб кетгани учун, устига устак содда, оққўнгил қаҳрамонларни ранжитиб қўймаслик учун уларнинг исмини ўзгартирдик. Муддао — бошқа улар сингари ишонувчан юртдошларимиз тегишли хулоса чиқариб олишса бўлди.***

# МАШИНА КИМНИКИ?



Шундай қилиб, бор экан-да йўқ экан, бир Мамасоли ака бор экан. У киши анчадан буён "Дамас" сотиб олишни орзу қилиб юрар экан. Бир куни эски пайпоғига тиқиб, деворнинг ёриғига беркитиб, қисқаси, хотини билиб қолмаслиги учун банкка қўймай йиққан пулларини санаб кўрса, ҳисобга тўғри келадигандай. Шартта ҳаммасини молтопар белбоғига ўраб белига боғлаб, машина бозорига борди. Худо ақл берса, ҳеч гап эмас экан. Мўлжалидаги "Дамас"ни савдолашиб олди. Фақат ҳужжатларни расмийлаштиришга пули етмай қолди.

Машина эгаси ҳам дангал экан, "Мамасоли ака, топганингизда эшикка ўтасиз, дарров расмийлаштирамиз" деб уйининг адресини бериб, калит билан "техпаспорт"ни тутқазди. Бунинг устига ростгўй экан: "Ака, молни айбини айтиб сотиш керак, шу юрганда салпал тиқ-тиқ этади", деди. Мамасоли ака: "Бехижолат, бирор устага кўрсатиб оламан-да" деб қўйди.

"Тиқ" этса ҳам, "пиқ" этса ҳам бинойидай миниб юрувди. Қайси кунийам "муборак бўлсин"га чиққан қўшниларидан бири машинани озроқ ҳайдаб кўрган бўлиб, бош чайқаб:

— Бўмапти, Мамасоливой, — деди.

— Нимаси бўмапти? — Мамасоли ака ичи пўкиллаб қўшнисининг оғзига термулди.

— Тиқилларкан.

— Тиқилласа нима қипти?

— Ие, томоғингиз оғриб, йўталиб юраверсангиз нима бўлади.

— Хотиним дарров кампресс қилади, дори ичиради, ишқилиб тузатмасдан қўймайди.

— Ҳа баракалла. Фараз қилинг, сиз ҳам, янгам ҳам даволамасангизлар нима бўларди?

— Билмадим, ўпкамга ўтиб кетса керак.

— Ҳа яшанг, — қўшниси қувониб кетди, — машинаям одамдай гап. Тиқиллашини тузатмасангиз, тақиллайдиган бўлади. Тақиллашини қаратмасангиз пақиллайдиган бўлади. Буни хотиниям, эриям ўзингиз. Тезроқ тузаттиринг. Ана, фалон қишлоқда янги уста чиқибди дейишаётувди. Оти нимаям эди-я.

— Бўлди, топиб оламан, — Мамасоли ака қўшнисини кузатиб қўйиб, борини чўнтакка уриб, машинасини миниб фалон қишлоқ қайдасан деб йўлга чиқди...

... Уста ҳам инсофли йигит экан:

— Ман кўнглимдан чиқариб созлайман, сиз кейин кўнглингиздан чиқарганингизни берасиз. Кам деган номард, — деди меҳнат ҳақидан гап очилганда.

Орадан бир ҳафта ўтказиб, Мамасоли ака хабар олди — уста йигит қорамойга беланиб ишлаб ётган экан. Ҳол-аҳвол сўрашиб:

— Ака, иши кўп экан, кейинги ҳафтада хабарлашинг, малол келмаса, техпаспортини ҳам ола келинг. Участкавой "ўғрилик молмасми" деб хит қилиб юборди, — деди.

Мамасоли ака бир ишга киришмасин. Киришдими, охирига етказмай қўймайди. Орадан "гир" этиб бир ҳафта ўтди-ю, у яна "Қайдасан, фалон қишлоқ?" деб йўлга тушди.

Бу сафар уста машинанинг бутун ичак-чавоқларини ажратиб қўйган экан.

— Узр, ака, бунинг иши кўп экан. Ман кўнглимдан чиқариб ишлайман дедим-ку. Энди, ремонтдан кейин беш-олти йил мани ҳақимга дуо қилиб минг-да.

Устанинг бу гапи ҳам ака Мамасолига маъқул келди. Хайр-хуш қилиб, чой ичишга унамай орқага қайтди.

Ишнинг қизиғи кейинги ҳафтада бўлди.

— Келинг, ака, хизмат, — деди уста йигит очиқ юз билан.

— Машина тузалган бўлса, олиб кетгани келувдим, — ака Мамасоли устанинг елкаси оша ичкарига кўз ташлади, устахона бўм-бўш эди.

— Қанақа машина, сиз кимсиз-ўзи? — уста ҳайрон.

— Ўзингиз кимсиз, фалончи устамисиз? — кўзларига ишонмай Мамасоли ака ҳайрон.

— Ман ўшаман, лекин сизни биринчи кўришим.

Мамасоли ака ўзини тута олмай бир-иккита ҳамиртурушли гап қилди, устанинг ёқасидан олмоқчи эдию, чўчиди. Нима бўлгандаям уста ёш, бақувват.

Энди машинасидан айрилган ака Мамасоли тикка шу қишлоқнинг участкавойига бориб арзи дод қилди, бўлган воқеани ёзиб берди. Участка вакили иккаласини юзма-юз қилгандан натижа чиқмади — уста тониб тураверди. Шундай бўлса ҳам участка вакили йўқолган "Дамас" ҳақидаги маълумотларни туман ички ишлар идорасига юбориб, ўзи суриштириш ишларини давом эттираверди...

Мамасоли ака бу ерда ана шундай овораи сарсон бўлиб юраверсин, энди гапни бошқа қишлоқлик Мамаражаб акадан эшитинг. Буни қарангки, у кишининг ҳам "Дамас"га ишқи тушган, ўзи машина устаси эди. Яхлитига машина сотиб олишга жамғармаси етмас, охиригача тўплашга сабри чидамас эди. Бунинг устига уста эмасми, бозордан эҳтиёт қисмларни арзонроқ олишни биларди. "Аста-секин янги "Дамас" йиғсам-чи. Жа ғалати иш бўларди-да" хаёл қилди у. Бирда мотор олди, бошқа гал ғилдиракларини дегандай. Вақти-соати келиб ҳамма эҳтиёт қисмлар йиғилди, фақат кузов йўқ эди.

"Насиб қилса келар Шому Ироқдан", деганларидек, насиб қилган экан, қўшни қишлоқдан топила қолди. Ўзига ўхшаб устачилик қилиб юрадиган йигитни бозорда учратиб дардини айтувди, у:

— Бизда бор, ака. Бир "Дамас" сотиб олувдим, ишкали кўп экан. Бўлаклаб сотяпман, номериям тайёр, — деди.

— Омаднинг келгани шу-да. Унда олди-соттини расмийлаштириб қўя қоламиз, — деди Мамаражаб ака қувончини ичига сиғдира олмай.

— Тўғриси, ўзимга ҳали расмийлаштириб улгурмовдим. Олдинги эгаси билан келишиб қўя қоласиз-да.

— Майли-да, иш битса бўлди, — деди содда Мамаражаб ака, — ишқилиб эгасининг уйини биларсиз.

— Ман бозордан сотиб олувдим. Техпаспорти бор-ку. Ўшандан топиб оласиз.

Ака Мамаражабга бу гап ҳам маъқул келди. Савдо пишди. Бир юк машинасига кузовни ортиб олиб кетди.

Уч-тўрт кун ичида у машинани йиғди. Бир-икки кун расмийлаштиришга иш тутмай, шундоқ минди. Сўраган Маккани топган экан. Кейин сўраб-суриштириб машина эгасини топди.

Машина эгаси бир машинага, бир устага, бир техпаспортга тикилиб.

— Ман бошқа бировга сотувдим, чоғи, — деди иккиланиброқ.

— У одам машинангизни бўлаклаб пуллабди, кузови бизга тегди, ман барибир машинамга номер олишим керак эди. Тайёр номер экан. Олди-соттини расмийлаштириб қўя қолайлик, — қистади ака Мамаражаб.

— Майли, ихтиёрингиз, — кузовнинг собиқ эгаси ҳам кўниб қўя қолди.

Воқеанинг энг қизиғи ана энди бошланади. Тайёрланинг. Расмийлаштириш ҳам бўлди. Қоғоз қўлга тегди. Ака Мамаражоб кайфият зўр, дўппини қийшиқ қўндириб ўзи билган иккитагина ашуладан биттасини қўлидан келганча ҳиргойи қилиб кетаётганди. ДАН ходими тўхташ ишорасини қилди.

Ака Мамаражаб бир даста ҳужжат билан инспектор олдига келди. Милиция ходими саломаликдан кейин ҳужжатларга кўз югуртириб:

— Ака, шу белгили, шу давлат рақамли машина қидириляпти. Бир уста машина эгасини лақиллатиб машинани сотиб юборган деб гумон қилиняпти, — деди.

— Ман ҳам устаман, — Мамасоли ака яна нима дейишни билмай нажот истаб инспекторга тикилди:

— Унда, ўша фирибгар уста ўзингиз бўлманг, — ҳазил қилди инспектор.

— Ўртоқ начальник, ҳозир кўнгилга ҳазил сиғмайди.

Милиция ходими узр сўраб, бирга туман ИИБ ДАНБга бориш зарурлигини тушунтирди. У ерга тез орада шу ишни олиб бораётган терговчи келди. Кузов эгасини, Мамасоли ака билан фирибгар устани ҳам топтиришди. Ака Мамасоли машинага кўзи тушиб минг йиллик қадрдонини кўргандай қучоқлаган бўлиб, эшикларини силаб:

— Ҳақиқат бор экан-ку. Раҳмат, акалар! — деб бир-бир ҳамманинг қўлини сиқиб чиқди. Мамасоли аканинг ҳам. Фақат фирибгар устага навбат келганда кўрмагандай олдидан ўтиб кетди. Кейин бориб кабинага ўтирганида калити йўқлиги эсига тушди:

— Биродарлар, яхшиликни охиригача қилинглар-да. Калит кимда?

— Йўл бўлсин, ака? Машина маники, — охири чидаб туролмади Мамаражаб ака.

— Қанақасига сизники бўларкан? Мана, асл эгаси — фалончи акам айтсинлар, машинани манга сотганлармиди?

Кузов эгаси тасдиқлаб бош лиқиллатди.

— Акажон, фақат кузов бу кишиники. Ичидаги ҳамма ашқал-дашқални ман бозорда бошқалардан сотиб олганман. Бу фирибгардан эмас, — ака Мамаражаб ёш устага ишора қилди.

Кузов эгаси бу гал ҳам бош лиқиллатиб тасдиқлади.

— Ман ҳеч нарсани билмайман. Машинамни бус-бутун топширган эдим, бус-бутун олишим керак! — баттар қизишди ака Мамасоли.

— Ўртоқлар, нима кимникилигини биз яхшилаб суриштириб, текшириб, аниқлаб, судга маълум қиламиз. Кейин суд тегишли ҳукм чиқаради, унгача сабр қилинглар, — деди терговчи босиқлик билан.

Воқеага шу ерда нуқта қўяйлик-да, газетхонлардан сўрайлик. Бўлиб ўтган воқеалар айримларингизнинг кулгингизни келтираётгандир. Лекин Мамасоли аканинг ҳам, Мамаражаб аканинг ҳам кулги кўнглига сиғмасди шу топда. Хулоса ўрнида ҳар бир ишни ўз вақтида ҚОНУНИЙ ҳал қилиш кераклигини эслатиб ўтишни истардик.

**ХУРШИД,**
*Наманган — Тошкент.*

# КРОССВОРД

**Энига**: 1. Америка кино академиясининг "Оскар" мукофотининг ўн биттасини олишга сазовор бўлган режиссёр Жеймс Кемероннинг машҳур фильми. 7. Тақиқланган мол-товар ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни давлат чегарасидан ғайриқонуний равишда ўтказиш. 10. Жундан ёки жунга ип, ипак аралаштириб тўқилган майин газлама. 11. АҚШнинг марказий қисмидаги дарёга номдош штат. 13. Ширинлик тури. 15. Ватанимизда ўтказилаётган теннис турнири. 18. Маълум бир ғояни ифодаловчи шартли белги. 19. Марказий Осиёдаги давлатлардан бирининг пул бирлиги. 21. Асосан устки кийимлар тикиладиган жун газлама. 22 Автомобил кузови тури. 24. Истак. 25. Ўзбек халқ рақс куйи. 26. Қарчиғайлар оиласига мансуб йиртқич парранда. 30. Гўдаклигимизда тинглаган қўшиқ. 31. Илдизидан тез кўпаядиган бегона ўт. 32. Санъат тури. 33. Кузпишар мева. 36. Алишер Навоий ҳаёти билан боғлиқ шаҳар. 41. Рассомлик санъати соҳаси. 42. Атом ядроси таркибидаги электр зарядидан холи бўлган зарра. 44. Автомобилдаги ёқилғини узатувчи ричаг қурилма. 45. Мақолдан: Ширин ёлғондан аччиқ... яхши.

**Бўйига**: 2. Фан-техника соҳасида кашф этилган янгилик. 3. Мансаб, лавозим. 4. Оврўподаги давлат. 5. Қадимий ўлчов бирлиги. 6. Қора денгиз бўйидаги йирик бандаргоҳ шаҳар, вилоят маркази. 8. Гўзал, нозанин аёл. 9. Тундан кунга ўтиш вақти. 12. Марказий Африкадаги дарё, Конго ирмоғи. 13. Амударёнинг сўнгги ўнг ирмоғи. 14. Мактуб тарзида ёзилган асар. 16. Илмий-фантастик асарлар асосчиларидан бўлган француз адиби. 17. Харидорнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишига асосланган кенг тармоқли дўкон. 19. Бўрттириб айтилган сўз, ибора. 20. Хабарларни қабул қилиш ва узатиш воситаси. 22. Ҳажм ўлчови. 23. Мусиқа асбоби. 27. Қозоғистондаги йирик шаҳар, вилоят маркази. 28. Ҳар жиҳатдан қудратли, буюк. 29. Африка қитъасида биринчи бўлиб метродан фойдалана бошлаган давлат. 34. Инерт газ. 35. Физика фани бўлими. 37. Сланецдан ҳосил қилинадиган ёғсимон малҳам дори. 38. Ҳушёр, сергак. 39. Швейцариядаги кўлга номдош шаҳар. 40. Новвойликда ишлатиладиган хушбўй уруғли ўсимлик. 43. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи қаҳрамони.

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**



**ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА**: 1. Обжувоз, 4. Отчопар. 9. Олма. 10. Ирис. 11. Йўлбарс. 14. Изғирин. 15. Аризона. 17. Вишакхапатнам. 20. Амударё. 22. Ротатор 26. Адвокат. 28. Лол. 29. Шоли. 30. Никотин. 31. Украина.

**БЎЙИГА**: 1. Озодлик. 2. Жума. 3. Олхўри. 5. Такрор. 6. Пора. 7. Рисолат. 8. Зебо. 12. Дилшода. 13. Азонгар. 16. Хат. 18. Газолин. 19. Арктика. 21. Родопи. 23. Отабек. 24. Боқи. 25. Элак. 27. Қоқи.

## ҚАФАСДАН... ҚАФАСГА

Қадим-қадимдан товуқлар етти хазинанинг бири ҳисобланиб келинган. Бу жониворларга вақтида емиш бериб турилса, улардан гавҳардек-гавҳардек, оппоқ-оппоқ ялтираган тухумларни бир-бир санаб олаверасиз.

Аммо бу жониворлар ўрнига, яъни улар сақланадиган қафас ичида бошқа нарса, айтайлик, қонунда тақиқланган ашёлар сақланса, унда бу ишни қилган кимсалар ўзларини товуқ сақланадиган қафасдан-да, мустаҳкамроқ қафас – панжара ортида кўраверишсин!

Денов туманидаги Навоий кўчаси 36-уйда яшовчи И. Султонов ва шу тумандаги Пушкин кўчаси 16-уйда яшовчи П. Садриддиновлар ўзлари учун ана шундай йўлни танладилар. Иккови шу йилнинг 10 июнь куни кечаси Тожикистон Республикаси фуқароларидан 27 килограммдан ошиқроқ бўлган героин(!) олиб, вақтинча ижарада туришган уй товуқхонасига яшириб қўйишган чоғларида туман ИИБ ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

**С. АБДУВОҲИДОВ,**
*ички хизмат капитани.*

## Сирдарё вилояти ИИБ хабарлари

### ЧАҚҚОН ПОСБОНЛАР

Пахтаобод қўрғонида телефон алоқа кабелининг ўғирлангани ҳақида хабар олиниши билан маҳалла посбонлари милиция ходимларига ёрдамга келдилар. Ҳушёр, вазифасига сидқидилдан ёндошадиган маҳалла посбони Ҳ. Абдусоатов кабель ўғриларининг изини топди ва тезкор гуруҳга етказди. Шунингдек, Ш. Рашидов туманидаги Узоқов номли ширкатлар уюшмасида диний-экстремистик кайфиятдаги кишиларнинг ҳаракати ҳақида маълумот олган маҳалла посбони У. Бутунбоев қишлоқда бундай иллатнинг томирига болта уришда фаол иштирок этди. Яна бир маҳалла посбони К. Юсупов "Кўшчинор" деҳқон-фермер бирлашмасидаги хонадонларнинг биридан 15 та товуқ ўғирланган кимсаларни топишда катта ёрдам берди.

### "ЁВҒОН" ЁЛҒОН

Сайхунобод туманидаги "Ўзбекистон" ширкатлар уюшмасида яшовчи Р. Ҳасановнинг биясини қулуни билан бирга ўғирлаб кетишди. Р. Ҳасанов ўғирлик ҳақида участка вакилига хабар берди. ИИБ ходимлари милиция капитани А. Шералиев ва милиция капитани Р. Хатамовлар суриштириб, қидириб, бия ва қулун жабрланувчининг ҳамқишлоғи Ж. Омонбердининг уйида эканлигини аниқладилар. Ж. Омонберди милиция ходимларига ҳеч уялмай:

— Уйимда лоақал товуқ йўқку, от нима қилади, — дейди.

Шу пайт эса молхона томондан аввал тойчанинг, кетидан биянинг кишнагани эшитилади...

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИВ Бошқарма бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги Георгий Александрович Мергичевга отаси
**Александр Алексеевич МЕРГИЧЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қибрай тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори Шавкат Шомудиновга падари бузруквори
**ШОМУРОД отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши бошқарма эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, милиция майори Гулмурод Раҳимовга отаси
**Рўзи бобо РАҲИМОВнинг**
вафоти билан чуқур хамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти Челак тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби туман ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция капитани Баҳодир Раҳмоновга волидаи муҳтарамаси
**Мусаллам ая РАҲМОНОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Термиз тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани Қудрат Алиқулов ва Шерobod тумани ИИБ ДАНБ инспектори, милиция катта лейтенанти Абдулла Алиқуловга волидаи муҳтарамалари
**КИЗЛАРТЎРА момонинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

# MUNAJJIMLAR BASHORATI

## KELGUSI HAFTA UCHUN

**ҚЎЙ (21 март – 20 апрель)**
Душанба куни шартномалар имзолаш, шунингдек бошқа иш қоғозларини расмийлаштиришда сизга омад кулиб боқади. Сешанба куни бироз тобингиз қочиши мумкин. Жума куни ижодий муваффақиятга эришасиз.

**СИГИР (21 апрель – 21 май)**
Сешанба куни кутилмаган воқеаларнинг юзага келиши ушбу ҳафтага белгилаган режаларингизни барбод этади. Аммо кейинчалик ишингиз юришади.

**ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)**
Барча муносабатларда душанба омадли кундир. Чоршанба куни бошликлар кўзига кўринмаганингиз маъқул. Дам олиш кунлари уй юмушларини бажаришни маслаҳат берамиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)**
Сешанба куни кутилаётган оилавий низодан кайфиятингиз тушиб кетади. Моддий ютуққа пайшанба куни эришасиз. Ушбу ҳафтадаги ишқий саргузашт узоқ вақт ёдингизда қолади.

**АРСЛОН (24 июль – 23 август)**
Агар иш жойингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз бу ишга ҳафтанинг бошида киришинг. Юлдузлар сиз томонда. Муҳими, бунда тўғри йўл тутишга ҳаракат қилинг.

**БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)**
Эски қадрдонингиз сиз анчадан бери интиқ бўлиб кутаётган хушхабарни етказади. Чоршанба ва пайшанба кунлари сафарга чиққанда эҳтиёт бўлинг. Жароҳат олишингиз эҳтимоли бор.

**ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)**
Чоршанба куни молиявий аҳволингизни яхшилаб олиш имконияти мавжуд. Пайшанба – ижод билан шуғулланиш учун қулай кундир. Жума куни ишқий учрашув узоқ вақт ёдингизда қолади.

**ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)**
Ҳафтанинг бошида ички туйғуларингиз жўш уради. Жума куни иш қоғозларини расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоларни осонгина ҳал этасиз. Дам олиш кунларингиз ажойиб даврада, кўнгилли ўтади.

**ЁЙ (23 ноябрь–21 декабрь)**
Сизни ташвишга солаётган масалалар сешанба куни ўз-ўзидан ҳал бўлади. Тўғри йўл тутганингизга ишонч ҳосил қиласиз. Дам олиш кунлари соғлиғингизнинг бироз панд бериши белгиланган режаларингизга ўз таъсирини кўрсата олмайди.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)**
Ҳафтанинг бошида юлдузлар болаликдаги орзуларингиз рўёбга чиқишига имконият яратади. Чоршанба ва жума кунлари юзага келган касб муаммоларини ҳамкасблар тавсияларисиз, ички туйғунгизга ишониб ҳал этганингиз маъқул.

**ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль)**
Сизнинг фаол иш қобилиятингиз раҳбарлар эътиборига тушади. Пайшанба-жума кунлари лавозимингиз ошиши мумкин.

**БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)**
Ҳафтанинг бошида узоқ сафарга борасиз. У муваффақиятли якунланади. Янги ишбилармонлик алоқалари ўрнатиш учун пайшанба қулай кундир. Шанба куни норасмий учрашувлар, мулоқотлар ва ишқий саргузаштлар кутилмоқда.


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi,1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
**Zokir ATAYEV**

*Muharrir*
**Erkin SATTOROV**
(Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Mas'ul kotib
**J. G'OIPOV**
Navbatchi:
**S. SHAMSIDDINOV**
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA**
**G. XOLIQOVA**
Sahifalovchi va dizayner:
**A. MIRZAMUHAMEDOV**

**TELEFONLAR:**
Bosh muharrir o'rinbosari — .... 139-77-23.
Mas'ul kotib ...... 139-73-88.
muxbirlar bo'limi ............ 139-75-69.
Faks ................ 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun
faks: ..................... 54-37-91,
peyjer: ..... (088) 36-97, 55-19.

Elektron pochta
postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21596000200447980001, MFO 00014.

- *Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart*
- *Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.*
- *Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.*
- *Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.*

Ro'yxatdan o'tish tartibi № 00007.
Buyurtma Г — 522.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — ............ 19.00.
Bosishga topshirildi — ............ 19.00.

Obuna raqami — 180

97590 *nusxada chop etildi.*

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.